

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

БАҲОСИ 4 СЎМ



БОЛАЛИК ҚУВОНЧИ

Бу қувончдан-да устивор фараҳ бормикан дунёда?! Ҳа, лабларингиз қимирлашиданоқ сездим: «Йўқ», демоқдасиз ва ҳақсиз. Сувратдаги маъсума қизалоқларнинг мамнуна нигоҳидан уқдим ушбу туйғунни. Ғурбатий ғамлардан ғайри гўдаклик оstonасида кулиб турган жажжи инсонлар истиқлолга илинжсин бахшида этган Ўзбекистонимизнинг эртанги бекалари...

Кеча шоир айтмиш:

...Хар бири бир элга энгил ботиб,
Эллар энасиздир, етмдгиз ҳақини.
Юзлаб мамлакатни обод қилди,
Юзлаб сингиларимиз қилди. Паҳлавон?
Буғун айтмасиз: илоҳим, қилди эл
ди буғун булмасин сингилларимиз бо-
ши — палахмон тошларига.

...Утган йили Болалар жамғармаси бир қанча кўп фарзандли, ночор оилаларга сигир ҳадя этганди. Бу йил ўша сигирлар бузоқлаб кўпайди. Сутқатиқ мўл бўлиб, болаларимиз қувватига-қувват кўшилди, — дейиш моқда хурсанд ота-оналар. Буни эшитиб, ҳотамтойликка ҳайрқоҳлиги тутган ЮНИСЕФ ташкилоти ҳам Болалар жамғармасига ёрдамга муҳтож оиллага сигир олиб беришлари учун 35 минг сўм ўтказди. «Сигир пули»ни ЮНИСЕФ вакили Жералдина хоним топширди. Ҳозирги кунда бу оз бўлиши мумкин, аммо хайрли иш қийматига қараб баҳоланмайди.



Суратчи: С. МАҲКАМОВ

ушбу

сонда

МЕЪРОЖ АДАБИ:

ПАҲЛАВОН СОДИҚ:

ТАСАВВУФ

Нима бизга Туркия?

4-бет

7-бет

кейинги

сонларда

АЗАМАТ

АБДУРАИМОВ:

БОТИР ЭРНАЗАР:

Севгисиз


Упичдан

яшаб

бўлган бола

бўлмайди

(67)49 «Оила ва жамият»



Суратчи: А. ЖУМАЕВ

Бир кун

ДАРВОҚЕ, ЎШАНДАН БЕРИ...

Қизлар билан ошхонага боришга тўғри келиб қолди. Йигитлар орасида бир хаёли гап юради: «Эсинг бўлса қизлар билан овқатланишга бормас!» Кўчидан ўз йўлига, лекин янаш ҳам керак. Хуллас, айтганимдек, қизлар билан ошхонага бордик. Ўзингиз биласиз — қизларнинг кўнгли гоҳ у, гоҳ бу егулик — ширинликларни тусайди. Энди нима ҳам қилдим. Кетдик, деб, катта кетиб олиб келган ўзим, бу ёғига ҳам чидашим керак. Нимани айтишса олавердим. Айтганларини оляману, ишқилиб пулми етсин да деган ўй калламини тарк этмайди. Оляяману... Оляяману... Сотувчи ҳисоблаб чи-

қиб, 311 сўм бўлганини айтди. Урди худо. Ичимда: «Эй, худо ишқилиб шарманда қилма» деб, чўнтакка, чўнтакларга қўл соддим. Бор пулимни чиқариб санай бошладим. Юз... Юз саксон... Икки юзу олтинчи... Уч юз... Ва ниҳоят уч юзу ўн. Чўнтакларни яна қайта кавладим. Қошки уч-тўрт сўм қолиб кетган бўлса. Афсуски йўқ. Сотувчи кўзини лўқ қилиб турибди. Қизлар аллақачон бурчакдаги столга бориб ўтириб олишган. Улардан сўраш жуда ноқулай. Сотувчинини алдашга уриная бошладим:

— Йирғи қолибди-да.
— Беринг, майда кўп.

— Кечирасиз, беш минг-талиқ экан.

— Майли, бераверини... «Ярамас, ноинсоф!» Сўқинаман ичимда. Ниҳоят сўнги чорани қўладим: «Хозир, манавиларни қўйиб келай, шерикларимда майда бор, олиб келиб бераман».

... Овқатландик. «Маза қилиб...»

Ўшанда навбатнинг кўпчилиги мени хижолатдан асраб қолганди.

Дарвоқе, ўшандан бери қизлар билан овқатлангани борганим йўқ...

ФАРҲОД
ТошДД толиби



Суратчи: С. МАҲКАМОВ

етти кун

МУКОФОТ

Сурхондарё қасаба уюшмалари кенгаши улуг шоир Собир Термизий номидаги йиллик мукофотни таъсис этди. Йил якунида вилоят ижод аҳлидан уч нафарига бу мукофот насиб этади.

ЙЎЛИНИ ТОПИШДИ

Иштихонлик тўй соҳиби дастурхонга бир шиша ҳам «шайтон суви» қўймади. Меҳмонларнинг еб-ичгани фақат ош, гўшти қовурдоқ ва... кўк чой бўлди. Тушдан сўнг кўпқари авжга чиқди. «Ишбилармонлар» шу ерда ўзларини кўрсатишди: томошага тумонат одам йигилганидан фойдаланиб, 200 шиша винонинг ҳар бирини нақ 130 сўмдан пуллашди. Одамлар барқиб тўйдан маст-аласт тарқалишди.

«ИККИ ОЁҚДА» ҚАЙТИШДИ

Тайлоқ тумани «ишбилармонлари» эса иштихонликлардан суст ҳаракат қилишаркан. Чунки, тайлоқлик тўй соҳиби ҳам дастурхонга «бўйни узун»дан қўймаганди-да.

Ҳая, баъзилар нолиганча «икки оёқда» уйларига қайтишди.

ТАНИДИ

Чироқчилик бир жаноб кечаси беда ғарамини еб ётган махлуқни кўриб, фиғони фалакка чиқди. Жаҳл устида уни болта билан чопиб ташлади. Кейин билдикки, чопилган махлуқ ўз эшаги экан.

МАМЛАКАТДА БИРИНЧИ

Тошкент Давлат педагогика институтида «Одобнома» кафедраси очилди. Ушбу кафедра қошида «Оила маркази» ўш бошлади. Бу мамлакатимиздаги оила муаммоларини иргашувчи биринчи марказ.

Дарвоқе, АҚШда оила масалаларини ўрганувчи институтларнинг ўзигина йигирмадан ортиқ экан.

ЕТТИНЧИСИ «БЎРИ»

Шу туманда яшовчи уста Доноқул аканинг иши бу сафар ҳар галидек «тулки» эмас, «бўри» бўлди. Ниҳоят, еттинчи фарзанд — ўғил дунёга келди. Боши кўкка етган уста икки кечаю икки кундуз элга тўй берди, юздан ортиқ чавандозни йиғиб, кўпқари ўтказди.

МЕЛИСАНИ ТУНАШДИ

Ўғрилар мелиса ходимларини тунашдан ҳам тап тортмайди-ган бўлиб қолишди. Термиз тумани ички ишлар бўлимининг терговчиси майор Эркин Ғуломовнинг гаражга тушган ўғри [ёки ўғрилар] битта автошина, карбюратор ва «Урал» велосипедини ўмариб кетишди. Э, юрагинга қойил-е!

СЭНСЕЙ

Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабаси Алишер Раҳимов япон тилида нотиклик санъати бўйича ўтказилган халқаро танловда иккинчи ўринни эгаллади. Институтда япон дарслари киритилганига эндигина уч йил бўлганини назарда тутсақ, Алишернинг муваффақияти янада аҳамиятлироқ кўринади.

Агар мен...

ЭРКАК БЎЛСАМ...

Энг аввало йигит киши бўлиб дунёга келганимга минг қатла шуқр қилардим. Мард, бир сўзли ва жасоратли, ўктам бўлишни хоҳлардим. Уз орзу-ниятларимни амалга оширишда фақат иқтидоримга, билим, куч-қудратимга ишонардим. Зинҳор-базинҳор ота-онанинг давлатига учиб, қизига уйлангач мақсадимга етишмасдим...

Уйланмасимдан олдин ўзимга шарт қўярдим: бошимдаги дўппини оила қургач ечиб ташламаймани? Ўғлимга ҳам номи табаррук шу дўппини кийгизиш қўлимдан келадими? Хуллас, фарзандларимнинг камоли учун менда меҳр-оқибат етарли бўладими?

Уйлангач эса, бозор-ўчарга ҳеч қачон хотинимни аралаштирмасдим. Аниқроғи, оғир халталарни кўтариб уйга

егулик ташиган Аёлимнинг худди бева сингари эзилшини хоҳламаган бўлардим!!! Эрли аёлми, марҳамат, ўзининг мукаммал рўзғори билан фахрланиб юрсин-да! Оиламда жанжал бўлмасин, тинч яшай десам аввало қандай характердаги Аёл билан яшамай унинг кўнглини топишга интилардим. Ахир у Аёл-ку, бир оғиз ширин сўзнинг гадоси...

Иккинчи марта уйланишни хаёлимга ҳам келтирмаган ва бу ишни қилмаган бўлардим. Негаки, икки аёлни бахтсиз қилишни истамайман. Икки хонадонда меҳримга ташна болаларнинг ва икки аёлнинг азобланишини хоҳламайман. Қолаверса, ҳар икки оилани мукаммал таъминлай олармидим ёки...

Эркак сифатида ўз обрў-этиборимни, номимни ва

шаънимни ҳамisha улуг кўярдим: аёлларнинг юмушларини бажармасдим. Масалан: кир ювиш, ошхонада куймаланиш, болага қараш, сомса, сув, аёлларнинг ички кийимларини дўконларда сотиб туриш... каби. Менимча булар йигитлик ёрурига зид...

Йигит бўлиш орзусидан мағрурланиб, юртимнинг қалқони ва халқимнинг суянчи бўлишни қанчалар хоҳлашимни билсангиз... Ўғил-қизларимни вояга етказиш, уларга ўзим етолмаган армонларимни тушунтириб, амалга ошмаган ишларимни рўёбга чиқаришни орзу қилардим. Мухими менинг фарзандим ўз бағримда — ота-онанинг кучоғида яшашини истган ва шунга эришган бўлардим...

НОРИНСОБОНУ
журналист

ТАМАРАГА СОВЧИ КЕЛМАДИ

Ота-она хонадонига боғланиб қолган қизболага қийин. Яна акалари зугум қилиб турса: «Сени бой олмайди...» (Бой — маҳаллий шевада «эр» дегани) Бечора нима қилсин? Қаёққа бош олиб кетсин? Кошки бошқалардек тўрт мучаси соғ бўлса. Елиб-юғуриб хизмат қиларди, бирор хонадоннинг севимли келини бўларди. Бола туғарди, тарбияларди... «Бой» топилмаган тақдирда ҳам ота-онанинг суянчиги, янгалирининг хизматкори бўларди...

Унинг аянчли қисматида дарё тошқини сабаб. Уша пайти шаҳар сув остида қолди. Иморатлар бузилган, йўллар ишдан чиққан. Табиий офатдан кейин халқу ҳукумат икки йил шаҳарни қайта бунёд этдилар.

Бир кунги йўл тузатиб юрган қурувчилар тушликда қўшни хонадонига чойга киришади. Кўчада қаровсиз қолган икки яшар қизча техника кўзига мўъжиза кўришиб, трактор ёнида ўйнаб, улкан ёлдиракларни жажжи кўчалари билан ушлаб кўради ва чой ичиб чиққан тракторчи йигит ҳеч нарсадан хабарсиз улони ўт олдириб, йўлига равона бўлади. Ёлдирак остида ўйнаётган қизалоқни кўрмайди...

Кейин қизчанинг иккала оёғини кесадилар, у бир умр ногирон бўлиб қолади. Тенқурлари қатори мактабга бормайди, тўй-томошаларга бормайди... Бир одам қатори шахдам қадамлар билан юриш, унга бир умр nasib этмайди. Шундай бахтли лаҳзаларни фақат тушларида кўради.

Табиатнинг қонуни, яратганининг ёзуғи шу — кунинг тугамаган экан буй тортасан, улғасан, камолга етасан. Ҳоҳ оёқли бўл, хоҳ оёқсиз...

Улар оилада кўпчилик. Акалари бирин-кетин уйландилар. Шаҳардаги энг хароба, энг кўрimsиз иморат уларники. Ота-онаси умри дала ичида ўлган факирлар бўлишса. Акаларининг

ўқиб, курси эгаси бўлгани йўқ. Тирикчилик маошдан маошгача. Улуснинг бахти қаро бир оиласи.

Янгалар келгач, оила кенгайди, хоналар торлик қилиб қолди. Катта акаси ҳовлининг бир четидоғи ошхонага болалари билан кўчиб ўтди. Ит ётиш, мирза туриш... Кичик келинга эса алоҳида ҳовли у ёқда турсин хона ҳам етишмасди. Ҳовли деганимиз — нари-бериси беш сўтих ердаги қаққайган бино. На полизи, на молхонаси бор.

Тўрт хоналик уйда ўн етти жон. Баъзи хоналар товуқ катагидек. Кичик келин арзлаб отасиникига кетиб қолди. Қўлида норасида боласи. Бахона — тор катакдаги ҳар кунги уруш-жанжал, хараша. Хотин деганига худо инсоф бермаса қийин. Кечаси ҳам, кундузи ҳам эрнинг қулоғига «ғижожак чалаверса». Асаб бир кунги қумдек емрилади. Одам ўзини бошқара олмай қолади, уради, сўкади, ҳайдайди. Лекин тирик жон — оиласи билан яшагиси келади. Эркалашга муҳтож, хотин эса шартини айтиб кетган: «Алоҳида яшаймиз! Тамом!» Алоҳида яшаш — бир бошга бўлсин, бир қапа дегани. Бир товуққа дон, сув керак. Қани ўша қала? Шаҳар ижроқўмидагилар бу эшикдан кирсанг у эшикдан ҳайдаб чиқаришади. Уй сотиб олай десанг... «қўлида кири ҳам йўқ...»

Шундан бир кунги асаблари ўйнаб, ишдан чарчаб келиб, ёлғиз совуқ кўрпага кирган йигит жаҳлини жилволай олмай қолади, ҳаммасига айбдор бўлиб ногирон сингисини кўринади. «Сени эр олмаса бошимизга битган бало бўлдинг!»

Тамара шу ёшга кириб, ҳукумат идораси эшигини чертмаганди. Ҳатто ўн йиллар муқаддам кимларнингдир маслаҳати билан ногиронларга текинга бериладиган машина учун керакли

ҳужжатларни тўплади-ю, овора-сарсонгарчилигидан безиб, олмай туриб воз кечди. Уша қонуний қоғозлар қайсидир мансабдор столи тортмасида қолиб кетаверди.

Фақат ўтган йили ёшлар ташкилоти ҳолидан хабар олди, сўнг Тошкентга ясама оёқлар ясашиш учун бориб-келишига кўмаклашди. Ташкилот йигитлари уни Урганчада поездга кўтариб чиқишди, йўл харажатлари учун 500 сўм беришди.

Йигирма беш яшар ногирон қизнинг дунёга келиб бирор ташкилот ва идорада олган ёрдами шу. Уни бир одам сифатида йўқлаб келганлар ҳам шулар...

Энди кичик укасини уйлантириш гами. Ҳали катта келинлар ит-мушук бўлиб сийишмаган уйга учинчи келин қандай сийсин? Бугун ҳаммасининг нигоҳи Тамарага қараган. У қачон уй олади-ю, кетади? Уй эса... бечора қизнинг ушалмаган ягона орзуси. Бу уй деб бормасин жойи қолмади. Бир-бирдан ширин ваъдалар олиб қайтаверди. Бир гал ясама оёқларида минг азоб билан шаҳар ҳокимияти биносига борди. Ҳоким иккинчи қаватда ўтириши сабабли, уни йўқлаттирди. Бу зил-замбил оёқлар билан иккинчи қават у ёқда турсин, зинада юриш дўзах азоби. Ҳоким муовини «Хўжайин қаёққадир кетган», деб қўя қолди. Тамара эса тушликкача эшик олдида ўтириб кутди. Нихоят ҳоким Йўлдош Насруллаев тушликка чиқиб қолди. Зина олдида ўтирган қизни кўрмаганликка олмоқчи бўлди...

У бир йилдан ошди уй олиш учун ҳар ҳафтада ҳовлисидан ҳокимиятга ча бўлган икки чақиримлик масофани қийнала-қийнала босиб ўтади. Ҳар гал уша бир хил жавоб берадилар: «Кейинроқ хабар олинг. Бир ойларида албатта берамиз!»

Қачонлардир тенқурлари кўча чан-

гитиб юрганларида оёқсизлигидан дунёга сиймай, ич-ичидан хўрлиги келиб йиғлаган ногирон қиз бугун киндик қони тўкилган хонадонга ҳам сиймай қолди. Бизда меҳр-оқибат ҳақида гапириб осон... Ҳаммасиз нутққа устамиз. Ваъдалар бериш — касби-миз.

Э-э, нимасини айтасиз, ахир шу шаҳарда қайсидир пулдорнинг мўмай пули туфайли оппо-осон уй олиб, айшират қилиб юрган Тамаранинг тенқурлари камми? Қайсидир бойваччанинг ўйнашига топилган бу икки хонали матоҳ — темир бетонли хона наҳот ногирон сингилмизга умрлик армон бўлиб қолаверса? Қани инсоф, қани диёнат??

Халққа, унинг энг ғариб, муҳтож қисмига қайишмаган ҳокимият кимга керак? Алдоқчи ҳоким кимни химоя қилапти? Аммо улар айнан халққа хизмати учун маош оладилар, енгил машина минадилар, шохона ҳаёт кечирадилар. Кун келиб бурунлари осмон қадар кўтарилади. Қайсидир бир хароба иморатда қайга бош уришини билмай икки ўт орасида ёнаётган ногирон қиз билан неча пуллик ишлари бор?..

Тамара! Эркаларникиде дағал, кучли, забардаст қўлли сингилжон! Сизнинг илдам ҳаракатларингиз, бир зумда дастурхон тузатишингиз, чой қуйишингизни унутиб бўлармиди, Сизнинг чиройли кўзларингиз ҳамон рўнарамда турибди. Шаҳар ҳокимининг хотирамда жонланган тунд башарасини эса ўша ондаёқ унутиб юбордим. Қачонки Қорақалпоғистонлик Беруний шахридаги шу ном билан аталувчи қўчанинг 161-номери кўрimsиз хонадонингизга йўлим тушса, албатта, сиздан илк бор сўраганим, орзуингиз — ўрни беришдими — йўқ, шу ҳақда бўлади. Ишонманки, бир гал албатта айтишади: «Тамарага уй бериши, кўчиб кетди. Фалон кўча, фалон уй...»

«Барибир эшигимизда умид ётибди».

Рўзимбой ҲАСАН
Беруний шахри

ЯНА БУТПАРАСТЛИККА ҚАЙТАМИЗМИ?

Яқинда Сурхондарё вилоят ойнаи жаҳон орқали бир кўрсатув намоиш қилинди. Кўрсатув туманлардан биридаги калхўда бўлган тантанали маросимни акс эттирарди. Ҳўжаликка шу ерда раҳбарлик вазифаларида ишлаган бир кишининг номини қўйишибди. Калхўз аҳлининг қувонч-тантанасига бонс шу эди. Майдонга ўша одамнинг бюсти ўрнатилган. Марҳумнинг қариндош-дўстларидан сўзга чиқибди, хотиралар ёдга олинди. Сўнгра митинг иштирокчилари чўккаламоққа тутидилар, сўнгра фариштамонанд, соқоллари ўзига ярашиб тушган мулла Қуръон тиловат қила бошлади. Тиловатдан кейин барча юзига фотиҳа тортди. Бюст атрофидаги Қуръон тиловати, юзлаб одамларнинг дуойи фотиҳалари кишида негадир ноҳуш таассурот қолдиради. Ойнаи жаҳонда саҳналар алмашади: тантанали маросимнинг иккинчи қисми тағинда бошқачароқ кечади. Безалган дастурхон атрофида ейиш-ичиш, майхўрлик... Тўғри, бу албатта, ҳар кимнинг шахсий иши. Лекин ташвиш, таҳликамик шунданки, ҳайкал атрофида чўк тушиб Қуръон ўқиш, юзга фотиҳа тортиш, бундан кейин таомилга кириб кетмасмикин! Яқиндагина ўрисча ҳайкалпарастлик, бутпарастликдан қутилар-қутил-

мас ўзбекона ҳайкалпарастлик, яъни будпарастликка тўтиладиган бўлсак! Раисдир, олимдир, чўпондир, гадо-дир — барибир бир кун чин дунё сафарига отланади. Бир кун кимингдир (яъни марҳумлардан бирининг) тирикликда қилган яхшилик амаллари кўплик қилиб, кимнингдир эса қариндош уруғлари, орттирган мол-давлати устунлик қилиб, ўзи туғилган қишлоқ мактабига, ишлаган жойига номи қўйилар, боз устига ҳайкали ҳам ўрнатилар. Кейин эса яна маросим бўлади, мулла Қуръон ўқийди ва яна энг даҳшатлиси, бу нарса удумга айланади, янада ёмони — одамлар бунга кўникадилар, чунки улар ҳали шўронинг етмиш йиллик ғайринисоний, ғайрисиломий ва қолаверса, ғайриахлоқий таълим-тарбияси сиртмоғидан қутилмаб туриб, иккинчисига илинса, топлоқчи бўлган йўлимиздан ҳам адшаймаймизми?

...Кўз ўнгимдан эса собиқ раҳбарнинг бюсти, майдонни тўлдириб турган одамлар, фариштамонанд мулла, Қуръон тиловати, қатор усталлар, май сипқораетган аҳли давра кетмайди. Бу ораликдаги йўл бизни охири оқибат қаён элтади? Савол бор, жавоб бор, лекин унга ким амал қилади?

Маҳмуд АБУЛҲАЙЗ,
Сурхондарё вилояти



Суратчи: Солиҳ ЗОИР

«Оила ва жамият» 48(66)



1955 йилда Самарқанд вилоятининг Қўшрабат тумани Йўлтар қишлоғида таваллуд топган. Низомий номли жумҳурият муаллимлар олийгоҳини тугатган.

«Уруш бевалари», «Туташ қалблар», «Қонли йўрғаклар» каби китоблар муаллифи. Ҳозир «Мулоқот» журналида ишламоқда.

— Бу китобни ёзиш учун менга 3 йил керак бўлди. Аммо уларнинг у ёқдаги «икки йили» олдида бу ҳеч нарса эмас.

Укаларимнинг хотираларига келсак, меннинг ўзим ҳам уларга айланиб қолган эдим. Шу боис ўзимни тинглагандек бўлаверардим. Мажбур қилган нарса укам — Абдувоҳид. У ҳам ўша юртдан ногирон бўлиб қайтиб, онам қабри бошида «Ака, ёзувчи бўламан деб юрибсиз, агар ёзувчи бўлсангиз, меннинг қисматдошларимни ёзинг. Ахир бизнинг «гуноҳимиз» не эканлигини юртдошларимиз билиши керак-ку» деганди.

— Афғонистонда бўлганларнинг кўпчилигидаги бир хил хусусиятни айтиб беролмайсизми!

бўлганми, нуқул ўша ёқда бўлганлар тақдир ҳақида ёзди», деб қолди яқинда бир ўртоғим...

— Йўқ, мен у юртда бўлмаганман. Аммо дунёнинг неки қаролиги бўлса, бизнинг оила ҳам бебаҳра эмас. Отам Ватан уруши ногирони бўлиб қайтган. Онам «пахта fronti» аталмиш «олий» сўзинг жувонмарги бўлди. Укам эса «байналмилалчиликнинг жабрини тортмоқда».

— Тақдирингиз оилангиз билан туташми!

— Агар оилам бўлмаганда эди, Сиз билан бугунларда суҳбатлашиб ўтирмаган бўлардим. Уларнинг бори га шукур. Улар мени кўп бемаъни хавллардан омон сақлаган. Иккита фарзандим бор. Уғлим Диёрбек 2-синфда ўқийди. Қизим Сарвиноз

элим-элатим дея бечора деҳқонни ишонтирмоқчи эдим. Аммо, меннинг бахтимни бахтиқаролик юлиб олиб қип-қизил қонни кўрсатди. Қон ҳиди келарди. Яна ёза бошладим. Уч-тўрт ой ичида тугади. Лекин ҳамон бахтли бўлганимча йўқ. Қондан кўрқмайсизми, дея сўрадингиз. Тўкилган қон — марҳум. Марҳумлар беозор. Ана шу қонни тўккан тириклардан кўрқиш керак.

— «Уруш бевалари», «Туташ қалблар», «Қонли йўрғаклар»... китобларингиз қандайдир фожиавий оҳангда ёзилган. Ёзганларингиз ўша жабрдийдалар ярасига малҳам бўла оладими!

— Узимдан бахтиёр одам билан ҳеч суҳбатим келишмаган. Бехол, беажаол ғариб одамлар тинглашни,

АБДУРАШИД НУРМУРОД:

ТИРИКЛАРДАН ҚЎРҚИШ КЕРАК

— Ул юрт тупроғида армонни, соғинчини, меҳрни бағрига босиб юрган укаларим — қайта дунёга келган болалар. Улардаги қисматдошлик бир-бирига туташиб улуғ Садоқатга айланган. Шу калима жигарларимнинг бариники.

— Сиз ҳаётини ёритган жабрдийдаларингиз ҳаммаси бир-биридан узоқда яшайди. «Йўл азоби — гур азоби» дейди халқимиз. Сафарда қандай қийинчиликларга дуч келгансиз!

— Собиқ СССРда Афғонистондан ярадор бўлиб қайтган бир ярим минг аскар йигит билан учрашганман. Шуларнинг юз нафаригина китобдам жой олган. Қолганларининг жараҳати юрагимга муҳрланган. Бу азоб йўл азобидан минг чандон азоблироқдир.

— Армонларингиз...

— Онам болалигимда опаларим мени уришса:

— Рашиддонга қаттиқ гапирманлар. У тушларимда оқ от миниб, оппоқ қасрга кириб боради, дерди маҳзун жилмайиб. Онамининг тушларини бугунларда мағзини чақсам, оқ от — олис сафарларим, оппоқ қаср юзлаб оналарнинг, укаларнинг руҳи олаими экан.

Армонларим — ҳамон эрларини «Бугун келармикин? Йўқ, қиш тушиб қолди. Ҳой, у бир чулчутга ўйланиб кетган» дея лаблари титраб шивирловчи момоларим. Афғонистон тупроғидан қўлсиз-оёқсиз, кўзсиз қайтган жигарларим. Қайтмаганлари ортидан бўзлаб қолган оналарим. Мени оқ отга миндириб, ўзи бу дунёни эрта ташлаб кетган волидамдир.

— «Ҳаётимнинг энг оғир жараҳати — Бекор ўтган дақиқамдир». Лев Толстой шундай деганди. Сизнинг энг оғир жараҳатингиз нима!

— Яқинда меннинг олдимга Ветнам урушида катнашган амриколиклар келди. Узоқ суҳбатлашдик. Суҳбат орасида улар «Амрикога Ветнамдан қайтиб келганимизда жамият бизни тан олмай қўйди. Натижада 20 йиллик урушда 55 минг йигит ҳалок бўлган бўлса, урушдан уч йил кейин 58 минг жангчи ўз жонига қасд қилди. Оқибатда «Ветнам синдроми» бошланди. Турли-туман уюшган жиноятчилик, мафия тепасига Ветнамда жанг қилганлар чиқиб олди. Шундагина Амрико ҳукумати бизни тан олиб парламентга ўз одамларимизни киргизди. Бугунги кунда Орлентон қабристонинда марҳум дўстларимиз хотирасига қўйилган ёдгорлик қад кўтариб турибди», деган эди. Бу синдром бизда ҳам аллақачон бошланган. Жонига қасд қилганлар ҳам талайгина. Агар бугун биз уларга инсоний бурчи мизни кўрсатмас эканмиз эртага, кеч бўлади. Мана шу ўйлар мени қийнайди. Бу ўйлар аллақачон жараҳатга айлангандир.

— «Нима, Абдурашид ака Афғонда

1-синфда ўқийди. Ҳар куни:

— Дада, жуда катта «беш» олдим. Мактабнинг эшигига сизмади. Шунинг учун уйга олиб келолмадим, дея мени овутади. Ишонамиз...

— «Қон ҳиди» номли асар ёзибсиз... Қондан кўрқмайсизми!

— «Қонли йўрғаклар»да мен билган воқеа-ҳодисаларнинг юздан бири саҳифалардан жой олган. Китоб тугалланиб, меннинг ихтиёримдан кетгандан сўнг, ўзимга ўзим «минбад уруш мавзусида асар ёзмайман», деб сўз бергандим. Аслида уруш мавзусида ижод қилган ёзувчиларни «бахтиқаро» дейди. Мен ҳам бир оз бўлса-да, «бахтли» бўлмоқчи, минбарларга чиқиб маърузалар қилмоқчи,

дардлашишни ва улар билан қўшилишиб йиғлаш менга кўнгил хотиржамлигини олиб келади. Яна уларни излай бошлайман. Турли қисматларга дучор айлайди ҳаёт.

Том маънода меннинг қаҳрамонларим оддий одамлар. Агар уларнинг сўзларида фожиа оҳанги бўлса, начора, бу биз яшаётган замоннинг кўзгусидир.

Менинг ёзганларимга келсак. Ёзганларим жабрдийдалар юрагига малҳам бўлмайди. Аммо урушни қанчалик улкан фожиа эканлигини китобларимни ўқиганлар бир оз бўлса-да, ҳис қилсалар, бу меннинг улкан бахтидир.

Алишер ШОЙИМ мўтоҳабаси



БЕЧОРА ОНА

Дарс тугаши билан ижара хонамга шошиламан. Дам олмоқчи бўлиб тўшакка чўзиламан. Бирдан қўшни дов-лидан аёлнинг чинкирган овози эшитилади: «Одамлар ёрдам беринглр...» Югуриб ташкари чиқаман. Не кўз билан кўрайки, қўшни уйда яшовчи Вася кўлида қалит, онасини қувиб юрибди. Бечора она калтираб, одамлардан нажот кутади. Қўзлари илтижоли боқди. Кўчадан тўтаётган одамлар, ҳеч нарса кўрмагандек бепарво. Улар қаергадир шошилишади.

Ширкайф ўғил оёқда аранг турибди-ю, яна юрмоқчи бўлади. Икки кадам босар-босмас «гур» этиб ағанайди. Оғзидан кўпик аралаш хар хил сўзлар чиқади. Қўзлари ёшга тўлган она ўғлини турғизмоқчи бўлади. Ўғли уни итариб юоради. Номлоқ қолган она бечора ўғлини суяб турғизиб, уйга олиб кирази. Зум ўтар-ўтмасно вкинсурун ичида Васянинг сўкингани, идишларининг чил-чил сингани эшитилади.

Хонага қайтиб кириб, ўзимни қайта-

дан тўшакка ташлаб, ўйланиб қоламан, нималар бўляпти, қаерда яшаيمان ўзи?..

Эшик тақиллайди. Сочига оқ тушган, юзлари таёк зарбидан кўкарган халиги аёл.

— Қечирасан, ўғлим тамақ топиб бер, илтимос, жуда зарур... дейди кўз ёшини қўллари билан артаркан.— Бир ҳафтадан кейин қайтараман.

Яқинда ўша кампир вафот эттибди. Ўғли уни уйга қамаб, ўзи бошқа жойга кетиб қолган экан. Қайтиб келса, онаси ўлиб ётганмиш. Шу заҳотиёқ ўликхонага кўнгирик қилиб, мурдани бериб юборибди.

Бечора кампир... Ахир у ҳам инсон, эди-ку. У ҳам не-не оруз-ниятлар билан фарзандини боқиб, ок ювиб, ок тараб воғга етказганди. Бугун эса... Нокобил фарзанд сўнгги манзилга кузатишга ҳам ярамади.

Бахтиёр ТИЛЛАЕВ
ТошДД толиби

ИЧ КЕТГАНДА

Энг фойдалиси баргизуб (зуб-турум) ўсимлигининг баргини меваси билан қўшиб, қовуриб истеъмол қилишдир. Ич кетишини тезроқ, дейлик бир соатда тузатмоқчи бўлган кишилар баргизубни илиқ сувда ювиб, гуштқиймалагичдан ўтказиб, сувидан икки пиёла ичиб юбориши керак.

Дўлана, шунингдек, буймадарон қайнатмаси ҳам ич кетишини таққа тўхтатади.

Жийда, қушжиданинг барги ва меваси, олмуртнинг мағзи ичини қотиради.

Беҳини ўтга кўмиб, пўсти қорайгач ейилса — ичини қотиради.

Ловияни пўсти билан қайнатиб, ичилса ич кетишига барҳам беради. Анор пўстлогини қайнатиб ичиш; Райҳон дамламаси; Хандон пистанинг мағзи; Ошқовонинг уруғи; Қоразира;

Тирноқ гулнинг туйилган баргини истеъмол қилиш ҳам ич кетишини тўхтатади.

Қирқбўғин ичдан қон кетишини таққа тўхтатади.

Кийикўт дамламаси ичбуруққа даво.

Ичбуруққа олмали парҳез ҳам даво.

Маслаҳатлар

Ровоч илдизи қайнатмаси; семизўтқи қовуриб, истеъмол қилиш ичкетиш ва ичдан қон кетишини тўхтатади.

Сачратқини нафақат ич кетганда ичдан қон кетганда ҳам қайнатиб ичиш фойдали.

ҲОВЛИҚМАНГ

Тасодифан биров билан тўқнашиб кетдингиз. Нима қилиш керак? Афсусланишдан аввал, ўрнингиздан туриб олинг. У кечирим сўрай олмаса, бориб ўрнидан турғизиб, кечирим сўранг.


ГАП ОТИШСА

Хоним! Кетаяспиз. Кимдир гап отди. Индаманг — узоқлашинг — ёлғиз қолдинг. Бешбаттар бўлсин. Бундан ортиқ жазо йўқ. Чунки у — ёлғизлиги учун гап отгани аниқ.

ҚОШ ТЕРМОҚЧИСИЗ

Тераверинг. Киприк терсангиз ҳам, уласангиз ҳам майли, фақат... мўйчинакка эмас... кўзга эҳтиёт бўлинг — олмакесак терманг.

Маслаҳатгўйингиз УРОЛБОЙ



ШАЙТОН ЙЎЛДА ҚОЛДИ...

Неврологларнинг кузатишича, кейинги пайтда алкоғолдан алахлаш касалига чалинган мижозларнинг кўзига кўринадиган нарсалар ўзгарди. Олдинлари уларни шайтонлар безовта қилишарди, энди эса кўпроқ ўзга сайёраликлар ёки рэкетчилар «ташриф» буюришяпти. Кейинги тоифа тижоратчиларга зуғум ўтказмоқда.

Тиббиётчиларнинг таъкидлашича, ушбу касалликка асосан ишсизлар ҳамда тижоратчилар кўпроқ чалинишмоқда.

ТАРБИЯСИЗ ТАРБИЯЧИЛАР

Уш вилояти Лайлак туманидаги «Маданият» номли ўрта мактаб ўқувчиси етти яшар Мирланбек кўчадан ўта туриб энгил машина тагида қолиб кетди. Машина рулини... унинг мактаби директори бошқариб бораётган экан. Шу куни Уш — Хороғ йўлида эса 6-синф ўқувчиси Динани машина уриб юборди. Машинани ҳаракат хавфсизлиги хизмати бошлиғи ҳайдаб кетаётган экан.


ФИЗИКАНИНГ АЛИФБОСИ

Самара педагогика институтининг олими, физика-математика фанлари доктори Э. Когон раҳбарлигида биринчи синф ўқувчилари учун физика дарслиги яратилди. У илк ўқувчиларнинг кўлига теги. Дарслик жажжи ўқувчиларни ёлғиз ётаётгани, қўш нима учун нур таратаётгани, ернинг думалоқлиги сабаби ва ҳоказолар билан содда йўсинда таништиради. Зеро, олимларнинг аниқлашича, бола туғилганидан бошлаб оламни ўрганар экан.

Дарвоқе, Урсия олимлари ҳозир ҳар бир буюк кашфиётдан аввало болалар хабардор бўлмоғи лозим деб ҳисоблашмоқда. (С—Я).

«ТАЪЗИЯ»

Русияда бир тийинлик танга қонуний тарзда дафти этилди. Бир тийинликнинг қазо сабаби деб «танганинг қиймати таннархини умуман қоплай олмаслиги» кўрсатилган. Шунингдек, Русия ширкатчилари бир ва уч сўмлик, ҳатто беш сўмлик қоғоз пулларни ҳам муомаладан чиқаришди. Айрим жойларда қиймати фақат юзталикдан иборат бўлган пулларгина муомала қилинган. (РТВ).



УзА сурати

ДИЛШОДАХОН ҚИЗГИНАМ!

Унга кирдинг—сонга кирдинг. Мингга киргин илоийм деб Гулчеҳра онанг.

Ҳурматли Баҳром ака Аҳмедов! Сизни қутлуғ 40 ёшингиз билан табриклайман. Овозингиз доимо радиотўлақинлар узра жаранглаб турсин. Укангиз Абдумутал Норбоев.

СИНГЛИМ ДИЛДОРА!

7 ёшинг муборак бўлсин! Мактаб оstonасига қўйган илк қадаминг қутлуғ келиб, аъло баҳолар билан битиргин. Опаларинг қаторида соғу-саломат юришингни тилаб, аканг АЛИШЕР.

ШАРИФ — ҲУСНИБОД!

Сизларни бахт тўйингиз билан қутлаймиз. Оилангиз файзиёб бўлсин. Оллоҳ инояти, муруватини дариг тутмасин. САБОҚДОШ ДУСТЛАРИНГИЗ.

Севимли акамиз Бахтиёр-жон!

Сизни 2 декабр—туғилган кунингиз билан чин юракдан самимий муборакбод этгаймиз.

25 ёшингиз қутлуғ бўлсин! Қамол эҳтиром ила сингиларингиз Латофат Бону. Соҳиба, дўстларингиз: Рашид, Фарҳод, Сайдулло, Хайрулло. Термиз — Денов — Саросиё.

30 ЕШДА

Бўйим 170 см. Ташкент шаҳрида икки хонали шахсий уйда 7 ёшли қизим билан яшайман. Турмуш ўртоғим вафот этганига 6 йил бўлди. Касбим — ҳисобчи. Аёл киши қанчалик чаққон, уддабурон бўлмасин, оилада эркак кишининг ўрни бўлак экан. Шунинг учун ёши 35 дан ошмаган ўзбек ёки тожик йигити қизимга ота, менга эса вафодор умр йўлдоши бўлса, дейман. «Оила-130» ўз жуфтини кутмоқда.

28 ЕШДА

Ташкентликман. Оилам билан ажрашганман. Шахсий уйим бор. Маълумотим олий. Тикиш, тўқиш, пазандаликни жойига қўяман. Уч нафар ота меҳрига зор фарзандларимдан оталик меҳрини аямайдиغان, ёши 35 дан ошмаган садақатли, бир умр ҳамроҳ бўладиган инсон билан бахтли оила қуриш истайман. Фарзандлари бўлса бош устига. Уларга она бўлишни ўзимга шараф деб биламан. Манзиллини таҳририятдан олшингиз мумкин. Мактуб ва суратларингизни «Оила—131» кутади.


ТУЗАТИШ

Газетимизнинг олдинги сонидан эълон қилинган «Оила — 129»нинг сарлавҳаси «28 ёшда» эмас, «75 ёшда» деб ўқилсин. Йўл қўйилган хато учун «Оила — 129» ҳамда муштарийларимиздан узр сўраймиз.

ТАҲРИРИЯТ



КҮНГИЛ ИНТИҚ ЯШАР КҮҲНА НАВОГА...



ШУКУР ҚУРБОН

таниқли шоир, икки ўғил, бир қизнинг отаси. Шеърларида инсон руҳининг мураккаб манзараларини чизишга ҳаракат қилади. Қуйидаги шеърлар ҳам ана шундай туйғулар, ҳолатлардан тизилган.

Узоқ баҳслашдик бир тун иккимиз,
Меҳрнинг юзига чапладик қаро.
Иироқ-йироқларга ташлаб сўник из,
Ой ҳам кўздан итди-бамисли рўё.

Юлдузлар — етимча-еттикулчалар,
Билдай кўк саҳнида тентирашди, оҳ!
Ҳиссимиздай ортиқ бўзлаб шунчалар,
Кўнглимиздай ортиқ инграшди мутлоқ.

Дилни сирқиратиб, осмон тоқидан
Қуюла бошлади мунглиг бир наво.
Бағримиз ҳаприқди гўзал оқимдан,
Энтикиб тингладик, етишмай ҳаво...

...Гарчи бошимизни қўшди бир тақдир,
Айрича қувондик, айрича кўйдик.
Уша кун атрофда изғиган, тақир
Учинчи одамнинг шарпасин туйдик.

Умр тушдай кечар ўшандан буён,
Ҳаммага отган тонг отмас биз учун.
Ваҳима ичида ҳовучлаймиз жон,
Аччиқ ҳис этамиз муҳаббат ўчин.

Жисм — ерга мансуб, хаёл — самовий,
Жаҳонаро бизлар на дўст, на ғаним.
Гоҳо ғурур қийнар, бурч, ҳаё — гоҳи,
Бироқ ул шарпага талпинамиз жим.

Сен кетдинг йўлларга муҳрланар кўз,
Кўнгили интиқ яшар кўҳна навога...

Йиллаб зиндон ичра димиққан маҳбус
Ногоҳ етишгандай тоза ҳавога,
Юрак ўртаб ғайритабиий кундан,
Умиримда илк марта мириқиб чекиб;
Ҳатлаб Асқартоғдай остона-бурчдан,
Мен ҳозир кўчага чиқарман секин,
Кейин йўл оламан ҳузуриңга жим...

Асл ҳаётимга эртакмисол ишқ
Қирди бузиб барча чегараларни.
Ҳануз англолмайман, ҳайронман ортиқ.
Атроф озодликми? Ҳарабазорми?
Бироқ мен биламан: энди мумкинмас
Эскича яшамоқ — яшнамай сўлмоқ.

Одамда бир ҳис бор — пўлатдай синмас,
Олтиндай айнимас, мўъжиза сиёқ,
Уша ҳис ҳукмига топшириб ўзни,
Мезонлардай хуррам яшайман мен ҳам.
Бу тунд, бу омонат кунлар дам-бадам
Хотирот жарига қуларлар тўзиб.
Бироқ зиндон ичра димиққан маҳбус
Қандоқ кўникадир тоза ҳавога?
Ургана олмасдан кўр бўлар-ку, кўз,
Оламни тўлатган турфа зиёга!
Шу маъни қошида кетар-ку путур
Ҳатто, ҳатто ғайритабиий кундан!
Наҳот ҳатлолмасман, ҳайҳот, бир умр
Асқартоғдай остона-бурчдан!..

Сен кетдинг йўлларга муҳрланар кўз,
Кўнгили интиқ яшар кўҳна навога...

Сизни менга Худо етказди,
Худойимга минг қатла шукур.
Қанча ялаб-юлқасам — оздир,
Қанча бошига кўтарсам — ҳузур.
Соғинчимдан йиллар саргайди,
Юрагимнинг йўлида бедор,
Мунғларимни елларга ёйдим,
Ҳазонларга наўш этдим қатор.
Сизни кутдим интизор, илҳақ,
Улолмасдан ётган жон каби.
Барибир бу кўнглим бўлди ҳақ,
Бари бир ишқ қолмади сабил.
Бари бир ишқ қолмади сабил.
Бандалардан балога қолдим,
Сизнинг гўзал исмингиз айтиб.
Мен ёмғирдай хаёлга толдим,
Мен Худога ишондим қайтиб.
...Сизни менга Худо етказди,
Худойимга минг қатла шукур.

БУ БЎСТОН САҲНИДА ГУЛ ҚЎП, ЧАМАН ҚЎП...

ЙҮЛДОШ ЭШМУРОД

Мени севсанг — ёниб-ёниб сев —
Ё Лайли ё Ширинга ўхшаб.
Ерга ҳамал тушган мавсумдай
Латофатга тўлсин бу гўша.

Нозиккина бармоқларингдан
Дилга ёқар ҳарорат оқсин.
Лаъли-лабинг, ёноқларингдан
Ўз ҳуснига боқсин бу мавсум.

Мени севсанг — ёниб-ёниб сев —
Қипригингга самолар инсин.
Сўзанага тушган нақшдек
Гул-лолалар унутсин исмин.

Мени севсанг — ёниб-ёниб сев —
Ё Зухродай, ё Ойдаи яшнаб.
Милтилаган чироқдай нурсиз
Севги қилди қонимга ташна.

Мени севсанг — ёниб-ёниб сев —
Ҳар пойимга поёндоз тўшаб.
Ҳеч бўлмаса мағрур ўлай мен
Ё Мажнун, ё Фарҳодга ўхшаб.

Хоразм

ОЛИМ БЕКНАЗАР

Кунлар бўсагага тиз чўкиб ўтар,
Дийдиёсин сўзлар аламли боқиб,
Тонглар ҳам ҳар кунда гувоҳдир тақрор
Важоҳат шумликдан қилади таъқиб.

Тунлар тўшалади сокин кенгликка,
Оплоқ адоватни қучар дилсиёҳ.
Кўнгили гўшагида севинч ётади,
Ўзала тушалиб ўрайди матоҳ.

Ёноқлар ёнмоқда-самони қучар,
Коронги зулматда яланғоч даҳшат.
Рух каби мурувват лабларда учар,
Ҳаёлининг қаёрида исканар мақсад...

Қашқадарё

РУСТАМ ЧАҒАЛАЙ

Мажнун аллозимни кўрган,
Жонинг қани, деб ҳол сўрган.
Менинг жоним жоду қилган,
Ул жодугар жонондадур.

Висол излаб боргон куним,
Андин бўса олгон куним.
Ишқда лов-лов ёнгон куним,
Ситиб олди жон-ондадур.

Жоно кўксидеги қаср,
Менинг кўзим қилди басир,
Улдиргувчи ул эгиз сир —
Жон олгувчи жононда — дур.

Ҳаққулобод

СОҲИБА АБДУРАҲМОНОВА

Улар бизлар каби сева олмаслар
О. МАТЖОН

Сезганмидинг, бизга улар сездирмайин
Дилимизни вайрон этиб кезгандилар.

Бизлар рашкни билмагандик, аммо улар —
Мени Сендан, Сени менадан қизгондилар.

Дардлар айтсак — улар қулиб тингладилар,
Бизлар учун ёнмадилар, қўймадилар.
Ениш нима, куйиш нима, қийнаб яна —
Мени ҳам тинч, Сени ҳам тинч қўймадилар.

Энг бокира туйғумизга қўйдилар ўт,
Афсус... бизнинг севгимизни билмадилар —
Юлдузимиз учрашганда... биз айрилдик,
Мени Сенга, Сени менга бермадилар.

Ўш

АБДУЛЛА ТУРДИЕВ

Инсонга инсондан эҳтиром жоиз,
Эҳтиром — аслида англаш ўзликни.
Қўлга қалам тутдим, дўстлар, шу боис —
Ки, Олло сийласин ҳар бир ўзбекни!

Умр бу — бешикдан қабрга қадар,
Бу йўлни ҳар кимса ўтгайдир босиб.
Илло, кўнглингизга чўкмасин қадар.
Сизга тирикликнинг тахти муносиб.

Ҳақдингдан ошсанг гар-мозорни айлан,
Донолар шундайин ҳикматни айтмиш.
Бу хилқат — марҳумлар дунёсидир шан,
Савобга айланиб гуноҳинг қайтмиш.

Имкон даражаси — биз учун сабоқ,
Бисавоб... Ҳизрни Танери йўллағай.
Савобга юз бурган — жаннатий мутлоқ —
Минбаъд ўтганларнинг руҳи қўллағай!..

Тошкент

НИМА БИЗГА ТУРКИЯ?

Умумий сарлавҳага кўзингиз тушгани ҳамоно кўнелингиздан «яна сўхта мағрурликми?» деган истиҳола кечган бўлса ажаб эмас. Зотан бу истиҳола бизнинг кўнглимиздан-да кечди. Аммо ҳужм чиқаришга шошилмадик. Ўз мақсадимизни ифодалашда юқоридаги сўзларнинг ички маънаси, жиндай ҳайрат, жиндай киноя оҳангига суяндик. Хар нечук сеvimли шоиримизга ўхшаб «Нима бизга Амри-

қо!» дея жар солаётганимиз йўқ-ку?! Колаверса, бу бир эмас; бир неча мақолада мавзу бўладиган сарлавҳа. Ҳозирча, имкон даражасида кўрган-билганларимиз, илк таассурот ва кечинмаларни баён қилмоқчимиз. Келгусида худди шу ном билан Туркия тарихи, унинг иқтисоди ва сиёсати, турк биродарларимиз ҳаётига оид туркум мақоаларни эълон қилиш ниятимиз бор.

ИСТАМБУЛДА

ЧИРОҚЛАР ҲУДИ...

Биз минган ҳаво кемаси Истамбул аэропортига келиб қўнганида Тошкент вақти билан соат ўн олтинчи йигирма дақиқа кечган эди. Ҳаво совуқ, денгиздан намхуш шабада эсим билан. Бизни автобусларга миндириб, аэропорт боғиго олиб боришди. Кутиш залида соатларимиз милларини Истамбул-Тошкент вақтининг нисбатига тўғриладик. Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг шаҳардан ўн беш чақиримлар наридаги Истамбул университетининг ётоқхоналарига келдик. Бу ерда турк талабалари ўзларининг кундалик ишлари билан машғул, кимдир газет ўқир, кимдир теннис ўйнади. Турк тили билан жиддий шугулланмаганимиз боис уларни ярим-ёрти сўзлар билан сўхбатга торттишга, тўғриси, андиша қилдик. Бизни тушуниши шекилли, ўзлари келиб, ҳол-аҳвол сўрашди. Дилимиз, динимиз бирлигиданми, бир-биримиз билан, тезда киришиб кетдик. Баъзи ўринларда туркча, баъзи ўринларда англизча «кўншилиш», мақсад-маслағимизни қардошларимизга аёнлашдик.

...Уша оқшом уларни Ўзбекистондан олиб келган ноз-неъматлар билан сийлашди. Тонггача гурунглашиб ўтирдик. Эртасига тунги соат йигирма учда автобуслар билан Измир шаҳрига йўл олдик. Икки буюк шаҳар ўртасидаги маъсофа, тахминан, олти юзетти юз чақиримлар келар экан. Ҳазрат Алишер Навоий «Сабъи сайёр» дostonларига тилга олган шаҳри азим Константинопол — Истамбулдан чиқиб кетганимизда шаҳар ажиб бир сукунатга чўмган, тунги чироқлар бу сукунатнинг мовий саслари янглиғ порлаб турарди...

*Зайгор-яшил андуҳлар учди.
Кўчди. Хаёллар тебраниб.
Истамбулда чироқлар ўчди,
Кетдик. Юлдузларни тергани...*

*Сомон йўли — саҳро йўлида
Рух саргарди. Қорарди само.
Биз йўлмаймиз маймун йиллида,
Азар ичиб қўймаса шамол.*

*Узоқларда вужуд насими,
Гурбат исси анқийди анвор.
Аммо... ёнишда Насимий,
Ҳамда Мансур мажлис қўрган дор...*

ТАЛАБАЛАР ЁТОҚХОНАСИ

Измир шаҳрига кириб бораверишда Борнова деган шаҳарча бор.

Бизни ана шу шаҳарчадаги Эге университетининг ётоқхоналарига жойлаштиришди. Бу ерда ҳам ҳаёт бизнинг талабалар шаҳарчамиздаги каби. Фақат тартиб-интизом бироз бошқачароқ: ётоқхона ўрдаларида овқатланиш, чой ичиш ва меҳмон кутиш мумкин эмас. Буларнинг барчаси уларнинг тилида «ясоқ» (айб иш) деб аталади. (Бир турк талабасининг «Туркия — «ясоқ»лар мамлакати, деган киноясини эшитдим). Кеч соат йигирма бирдан кейин қизлар ўз ётоқхоналарига қўйилмади. Дарвоқе, бу ерда қизлар ва йигитлар жойлашган ётоқхоналар ўртасида қатъий чегара бор. Ҳеч замон бир қизни йигитлар ётоқхонасида ёхуд бирон йигитни қизлар ётоқхонасида учратмайсиз. Бу ҳам ясоқ саналади. Четдан қараганда одамга бу нарсаларнинг барчаси «ҳарбий режим»ни эслатади. Аслидачи? Бу ҳеч қандай «ҳарбий режим» эмас, балки инсон эркинлигининг қонуний бир шакли. Бу ерда инсон ҳуқуқларининг ҳар қандай кўриниши шартли қонун-қондалар билан кафолатланган. Дарвоқе, Отатурк давридан қолган темир интизом ва қаттиққўллик сиёсати неча ўн йиллар давомида Туркия давлат курумининг асосий устуңларидан бири бўлиб келган ва бугун ҳам шундай.

Айтгандай, университетнинг барча ётоқхоналарида намоз ўқиш учун ажратилган алоҳида хоналар мавжуд. Бу хоналар ҳамиса озода сақланади. Унда истаган киши ўз намозини адо этиши ҳамда намозхоналардаги Қуръон ва Ҳадис китобларидан фойдаланиши мумкин.

ЖАҲОНГИРНИНГ ТИЛЛА ТИШИ

Измирдалигимизнинг иккинчи кунги Туркия газеталаридан бири шов-шувули хабарни чоп этди: «Ўзбекистондан келган талабалар орасида тилла тиш кўйдирганлари ҳам бор экан!...

Дарвоқе, дўстим, ёш ёзувчи Жаҳонгир Истамбул аэропортида қаттиқроқ кулиб юборган эди.

ЖАБРИЯ

...Бу ерларда шом туша бошлаган сари «ийи ақшамлар», «ийи ақшамлар» деган саслар тез-тез қулогингизга чалинади. Бу —

«оқшомларимиз каби сокин, унинг табиати-да бизнинг табиатимиз каби, «айниқса оқшомлар тушунарли...»

Ана шундай оқшомларнинг бирида биз сеvimли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» қасидасини, бир туркум шеър ва ғазалларини мириқиб тингладик. Бу шеърларнинг ижрочиси турк қизи — Жабрия эди.

Жабрия Эге университети археология куллиётининг кундузги бўлимида таҳсил олади. Ўзбек тили ва адабиётининг ихлосманди. Рауф Парфи, Муҳаммад Солиҳ шеърлари, ёш адибимиз Саломат Муҳаммад Вафонинг ҳикоялари билан яхши таниш. Унинг кутубхонасида биз Эркин Воҳидовнинг Анқарада, олтиш минг нусхада чоп этилган «Танланган шеърлар» тўпламини кўриб, беҳад сеvimдик. Жабрия бизнинг биринчи ва энг азиз дўстларимиздан бири бўлиб қолди.

ДУНЁ КЕНГ...

Туркияда сиёсат тўғрисида гап кетадиган бўлса, энг аввало, жумҳурбошқонингиз ким, деб сўрашди. Айтганингиз ҳамоно, «севармисиз!» деб савол беришади яна. Бизларга бу калима сал эриш туюлди. Сабоби — шу пайтгача биронта жумҳурбошқонимизни сеvim-сеvimлагимизни тўғрисида жиддий ўйлаб кўрмаган эканмиз.

Турк талабалари орасида Ўзбекистоннинг ўтмиши ва бугуни тўғрисида биладиганлар талайгина. Аммо биз халқимизнинг маънавияти, маданияти ҳақида айрича тасаввурга эга бўлган қардошларимизни-да учратдик. Бир турк биродарларимиздан «бизнинг зиёлилар Ўзбекистонга бориб, у ерда тарихни, маданиятни ўрганишга, қабилдаги сўзларни эшитганимизда, очиги, нафсониятим оғринди. Аммо улў боболаримиз Имом Бухорий, ат-Термизий, Амир Темур, Алишер Навоий тўғрисидаги самимий гапларни қардошларимиз тилидан эшитганимизда бошим осмонга етди.

Туркияда давлат сиёсатига нисбатан муносабат ҳар бир инсон учун ўта шахсий, агар таъбир жоиз бўлса, ўта интим масала экан. Айтилик, «Мен Туреут Узолни сезаман» ёхуд «Мен Сулаймон Демирэлни яхши кўраман» қабилди.

Начора, ДУНЁ КЕНГ...

Паҳлавон СОДИҚ

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» НИНГ ТУРКИЯДАГИ

муҳаббат муҳаббати
Измир—Борнова,—октябр-ноябр, 1992 йил

Бош муҳаррир:

Абдуҳошим
ИРИСОЙ

ТАҲРИР
ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ
Жуманазар
БЕКНАЗАР
Дадахон
ЕҚУБОВ
Муҳаббат
ИБОДОВА

Тўлқин ҲАЙИТ
Юсуф ЗИЁД
(Бош муҳаррир
ўринбосари)
Ботир ЭРНАЗАР

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:

Бахтиёр
ЭГАМБЕРДИЕВ
Қувондиқ
БЕРДИЕРОВ
Меили
ИУЛДОШЕВ
Рўзимат
САФОВЕВ
Абсалом
УСАНОВ
Урол
ЎЗБЕК
Асқар
АЛЛАБЕРДИЕВ
Абдумуталлиб
РИЗОКУЛЛОВ

Таҳририят
келган хатларга
ёзма жавоб
қайтармайди.
Шунингдек,
фуқаролар
билан
ташкilotлар
ўртасида
воситачилик
ҳам қилмайди.

Газетамиздан
олинган
маълумотлар
«ОИЛА ВА
ЖАМИЯТ»дан
деб кўрсатилиши
шарт.

Газетамиз
ҳомийлари —
Тошкентдаги
СЭВИЖ

тижорат жамияти,
Фалларол
туманидаги
«Фалларол»,
Муборак
туманидаги
Хитой давлат
хўжалиги,
Сирдарё,
«Оқ олтин»

дон маҳсулотлари
корхонаси
МАНЗИЛИМИЗ:

700029,
Тошкент — 29
Намойишлар
хизмати,
1-бино.
Телефон:
39—43—95
Обуна
индекси «4654
Буюртама 42

Ўзбекистон
Республикаси
«ШАРҚ»
нашриёт —
матбаачилик
концерни
Тошкент шаҳри

— УКРАИНАДА МЕЛИСА БИЛАН ҲАЗИЛЛАШИБ БУЛМАЙДИ —

ОТИБ ТАШЛАШИ МУМКИН

Украина вазирлар маҳкамаси отиш қуролларини қўллаш ҳақида янги қондан тасдиқлади. Бу тартиб посbonларининг ҳуқуқини анча кенгайтди. Янги қондага кўра қурол олиб юриш руҳсат этилган мансабдор шахслар маълум вазиятларда сўнги чора сифатида ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Тартиб посbonлари, уларнинг оила аъзолари ёки алоҳида шахсларга, шунингдек уларнинг турар жойлари, мулкига жинорий таъвозу ва ҳоказолар қурол ишлатилишига асос бўлиши мумкин.

Вазият тақозо этса анъанавий тарздаги «Тўхта, отиб ташлайман!» деган оғохлан-тиришсиз ҳам қурол ишга солиниши эҳтимолдан ҳоли эмас. Тўғри, одамлар гав-

жум бўлганда, шунингдек ҳомилдор аёллар, қариялар ва болаларга нисбатан қурол ишлатиш таъқиқланади.

— Қуролни ишлатиш ҳуқуқи бўйича ғарб мезонига деярли тенглашдик, — дейди қондан шарҳлаб Запорожск вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари А. Поляк. — Ҳозир маст-аластларга ўқ узишимиз мумкин. Чунки маст кимса — хавфли. Айниқса, рулни бошқариб бораётганда. Биз, албатта, воқеа бундай тус олишини истамаймиз. Бироқ

машина ҳайдашга ўтираётган ва мелиса ходимлари талаби бўйича тўхташни истамовчи ҳар бир одам билиб қўйиши керак: унга ўқ узилиши мумкин. Тўғри, агар машинада йўловчилар ҳам бўлса... унда вазиятга қараб иш тутилади. Дарвоқе, бир неча кун аввал Бердянскада мелисаларнинг талабига кўра тўхтамаган машина ҳайдовчисига нисбатан қурол ишга солинди. Ҳайдовчи отилди.

Маълум бўлишича ҳодиса «Ауди — 100» машинасини таъқиб этиш жараёнида со-

дир бўлган. 1962 йили туғилган ҳайдовчи йигит мелисаларнинг талабини писанд қилмай ўз жонига жабр қилган. У билан бирга машинада бўлган уч йўловчидан бири ҳам яраланган.

Бундан кўринадики, Украинада энди мелиса билан ҳазиллашиб бўлмайди. Буни Украина фуқаролари ҳам, унинг меҳмонлари ҳам ҳисобга олишлари зарур.

«М—Э».



Самарқанд вилоятининг Накурт қишлоғида туғилган. Абдулхамид Чўлпон мукофоти совриндори. «Менинг осмоним», «Зарб», «Замин тақдир», «Хаёлот» каби ўнлаб китоблар муаллифи. Шеърлари қатор чет тилларига таржима қилинган.

Азим СУЮН:

ВАТАН ЮҚИНИ ЮРАГИ БОР ҚЎТАРАДИ

— Азим ака, кўп ижодкорлардан «Келажакнингизга ишонасизми» десангиз, «икки дунё бир қадам» дейишгади. Суҳбатимизни шу саволдан бошламоқчиман...

— Мен ўзимни ҳаётда жуда кўп кечиккан ижодкорлардан бири деб ҳисоблайман. Бунга асос бор. Биринчи синфга тўққиз ёшимда борганман. Отам чўпонлик қиларди (жойи жаннатда бўлсин). Раҳматли билан қир-адир, тоғу тош кеziб юрагерибман. Нурота тоғларининг тошларида менинг изларим қолган... Учинчи синфни кечикчи бўлса-да битирдим Тошкентга, журналистикага югурдим. Яна кечиккан эканман. Худо бераман деса қўшқўлаб берар экан, хизматга қақириб қолишганди. Уша шоирликка — келажакимга ишониб эмас, интилиб яшадим. Тирикчилигим шу меҳнатимда. Мен у пайтлар бу сўзлар маъносига тушунмасдим. Бобомнинг ич-ичига кириб кетган кўзларига жовдираб қарардим. Лекин бугун биламан, тунларни тонгга улаб нималарнидир қоралаганимда гоҳи ғамгин, гоҳи шодман ҳайқиргим келади. Тирикчим — шу меҳнатимда! Бироқ... ҳамон интиламан, лекин менга «икки дунё бир қадам» эмас.

— Қишлоғингизга ҳар сафар борганингизда энг кўп нимани ўйлайсиз!

— Қишлоғимга соғинч билан бораман. Айтарли икки-уч кун ҳеч нарса ҳақида ўйламайман, тўртинчи кунга қолмай узоқ-узоқ ўйлай бошлайман. Болалигимнинг муқаддас хотираси менга қанчалик азиз, қадрдон бўлмасин, қалбимга сирли сурур, ҳаяжон бахш этмасин, аммо бугун бобомнинг тош уйда яшай олмайман. Тош уйдан безиб тош шаҳарга ҳамма қатори яшолмаслигим сўдраб олиб келади.

— Азим ака, кечирасиз, ҳамма қатори яшай олмаслигингизнинг асосий сабаби нимада!

— Узингизга ойдек маълум бу, ижодкор қавми, хоҳлайсизми йўқми, бошқалардан турфа табияти билан ажралиб туради. Ижодкорнинг руҳи, туйғулари доим безовта.

*Роҳатидан азоб чекар,
Азобидан роҳатда.
Биров: «Бу ким?» деб сўрса гар,
Шоир, дердим, албатта.*

— Шоир бўлмаганингизда қайси касбни танлаган бўлардингиз!

— Шоирликни. Жиддий айтаяпман. Жуда бўлмагандаям шу «азоб»га бошқа касбни алмаштириб олардим. Ахир эсимни танганимдан буён нималарнидир қоралайман. Очигини айтсам худо менга ёзишни насиб қилмай, фақат ҳозирги ақл-тушунчани, қалбни берганида, албатта, тоғбеги касбини пора бериб бўлса ҳам эғалардим. Урмончилик вазирлигига етардим. Азбаройи бунини руҳим табият билан уйғунлашиб кетганидан айтаяпман.

— Қаламқашлар ичида: «Шоирлардан Азим Суюн энг кўп машина минган» деган гап юради...

— Толиблик йилларимдаёқ бир тенгдош адиб мен ҳақимда: «Азим Суюн катта мансабдор бўлиб кетади...» деб қитмирланиб юрарди. Холбуки, мен мансаб машинасига минини ҳаёлимга ҳам келтирмаганман. Уша ёзувчи ҳозир мансабу машинасиз юролмайди, каминада, биласиз, на мансаб, на машина бор. Агар шахсий машина ҳақида сўраётган бўлсангиз, икки йилми, уч йилми машина миндим, аммо ҳаёлпарастлик курсин, аварияга учраб, худого шукур, ҳозир омон-эсон «икки оёқли трамвай»да юрибмиз.

— Юқори лавозимда ишлашни хоҳлардингиз!

— Хоҳлайман. Айнан ҳозир. Чунки,

биласизми? Уз ички ва ташқи имкониятларимни амалга ошириш учун. Ўзбекистон Мустақиллик йўлига кирди. Унинг буюк ўзлигини жаҳонга олиб чиқиш керак. Қаердадир ёзгандим: ўзлик... бу маҳдудлик эмас, бильакс, ўзлик дунёвийдир! Ана шу дунёвий ўзликни рўёбга чиқаришда, яхши маънодаги «лавозим» қўл келиши мумкин. Кўчманчи кўчини нор, Ватан юқини юраги бор кўтаради. Ва лекин... шоирликни ҳар қандай мансабдан юқори баҳолайман.

— Асосан қайси ижодкорлар билан борди-келдингиз бор!

— Айтолмайман. Кўнгиллар нозик... Аниги «фалончи-фалончилар» билан.

— Тенгдош ижодкорлар ичида «энг зўр шоир» деб кимни ҳисоблайсиз!

— Ҳеч кимни, аммо ўзича ҳамма шоир зўр. Баҳони эса халқ беради.

— Эшитшимча сиз «Севги» таъсирида шоир бўлган экансиз!

— Шундай десак ҳам бўлади. Шунинг таъсирими, айтганингиздек, ишқий кечинмалар менинг ижодимнинг талай қисмини ташкил этади. Уша «етим» севгининг мевасини ҳозир Мажнун, Лайлилари еб юришибди-да. Аммо, фақат бу туйғу билангина шоир бўлиш қийин. Унинг ёнида истедод ҳам керак экан.

— Кечирасиз, «кўп ижодкор» эмас, икки-учтасида шундай ҳол содир бўлган бўлса ҳам сизга «кўп» бўлиб туюлади. Чунки улар кўз олдингизда, ҳамма танийди, билади. «Танилган» кишини (нафақат ижодкор) орқасидан эса гап-сўз, асосли-асоссиз ғийбат-номаларга ўхшаш «ҳангома»лар илондек судралиб юради. Айниқса, бу орада бечора машҳур санъаткорларга қийин, шоирларга ҳам осон эмас. Холбуки, бир қоровулни биламан — етти марта уйланган, етти марта ажрашган. Аммо ҳеч ким «нима учун кўп қоровуллар бир неча марта оиласи билан ажрашади», деб сўрамайди...

— Қонун билан йўл қўйилганда нечта хотин олган бўлардингиз!

— Қонуний битта бўлгани маъқул-да.

*Қим қўшалоқ хотин олса гар,
Бошқа ғамнинг тушимсиз изига.
Қим қўшалоқ хотин олса гар,
Ўзини ғами етар ўзига.*

Ҳозир қўшхотинлилик ҳақида гаплар оралаб қолди. Балки... қўшалоқ ғамни олиш олдидан ўйлаб кўриш керакдир. Айниқса ижодкорлар.

— Оилангиз ҳақида гапириб берсангиз!

— Рафиқам Ойгулхон — тарихчи. Асосан болаларим тарбияси билан шуғулланади. Бияни ишлатсанг кулуни бўлмас, деган тақводорлар орасидаги машҳур мақолга ҳам қиладиганларданман. Учтаси мактабда ўқишади. Беш ёшли Камоллидин жаҳонда кетётган воқеалар, ҳодисалардан андоза олибми... тўполон билан банд. — Шу кўнларда ёзган энг охириги шеърингизни ўқиб беринг!

— Марҳамат, эшитинг.

БИР СИР БОР

Бир сир бор кўнглимда

Бир анор... донаси

Оқ қорозга ҳатто

Бир сир бор, эй, Чечак, эй, Гул!

Тоққа айтсам уни

Гул излаган каби

Ундан чиқиб келар

Бир сир бор, эй, Чечак, эй, Гул!

Сумбуланнинг суви

Маст бўлурсан ичсанг

Асли ҳаёт сир

Бир сир бор эй, Чечак, эй, Гул!

Йиртқич йўлбарс унга

Булбул куйлаб-куйлаб

Қим ошнодир чиндан

Бир сир бор, эй, Чечак, эй, Гул!

Бу кун, Азим, жабрин

Азоб, дардин чекиб

Фақат ёлғиз сенга

Сир қолмас, эй, Чечак, эй, Гул!

Шавкиддин БАҲРИ суҳбатлашди

